

Хушxabар: Тошкент шаҳридаги «Сирож Солиҳ» жоме масжидининг очилиш маросими ўтказилди




11:30 / 04.03.2021 3794

Кеча 3 март куни юртимизда яна бир кўркам масжид Аллоҳнинг байтларидан бўлган «Сирож Солиҳ» масжидининг очилиш маросими ўтказилди. Маросимга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Усмонхон Алимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғофур Аҳмедов, Ўзбекистон Ислон цивилизацияси маркази директори ўринбосари шайх Абдулазиз Мансур, Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлими бошлиғи Муҳаммадназар Қажумов ва масжид имом-хатиби Ҳасан домла Қодиров ҳамда бошқа азиз меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Янги таъмирланган мухташам масжидда илк мартаба азон садолари янграб жамоат билан пешин намози адо этилди.

Image not found or type unknown



Ушбу масжиднинг илк бора қурилиш ишлари 1990 йилда Сирожиддин Солиҳ исмли кишининг хайрия маблағлари ҳисобидан бунёд этилган бўлиб, 2019 йилда масжид таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди. Шу сабаб билан шу йили масжидни қайтадан қуриш ишлари бошланиб кетди. Икки йил мобайнида Қорақамиш мавзесида жойлашган байтуллоҳ халқ ҳашари йўли билан қуриб битказилди.

Image not found or type unknown




Масжиднинг умумий майдони 2000 метр квадратни ташкил этиб, қурилиш лойиҳаси «Etalon Project» муассасаси томонидан ишлаб чиқилган. Масжид эклектика услубида, яъни миллий ва замонавий услубларнинг ўзаро уйғунлиги асосида барпо этилган ва 4000 минг намозхонни ўз бағрига сиғдира олади. Асосий хонақоҳ икки қаватли бўлиб, ертўла қисми билан ҳисобга олганда уч қаватдан иборат. Намозгоҳ ибодат қилувчилар учун йилнинг ҳар бир фаслида юқори даражадаги шарт-шароитлар билан жиҳозланган. Баланд ва кўркем миноралар «Ҳарами шариф» минораларини эслатиб юборади. Шунингдек, анжуманлар зали, веб-сайт фаолияти учун алоҳида видеостудия масжид таркибидан ўрин олган.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Маросим сўнгида Қуръон тиловати ўқилиб, муфтий Усмонхон Алимов жамоа аҳлини янги масжид билан муборакбод этдилар ва хайрли дуолар қилдилар.